

1-1-2019

CURRENT ISSUES OF TOURISM DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

D.F. Isomova

Tashkent State University of Economics Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49,
dildora.isomova.93@gmail.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Isomova, D.F. (2019) "CURRENT ISSUES OF TOURISM DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 1 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss1/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Исомова Дилдора Фарход қизи,

ТДИУ ассистенти

E-mail: dildora.isomova.93@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда туризмни ривожлантириш масалалари, шунингдек, иқтисодиётимиз салоҳиятини янада оширишда туризмнинг ўрни ҳамда ролини ошириш бўйича амалга ошириш лозим бўлган вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Калит сўзлар: туризм соҳаси, меҳмонхоналар, ЯИМ туризм улуши, сайёҳлар, туризмдан даромад.

Аннотация: В статье изложены задачи и меры, которые необходимо предпринять в развитии туризма в нашей стране, а также роль и место туризма в повышении потенциала нашей экономики.

Ключевые слова: туризм, гостиницы, доля ВВП в туризме, туристы, доходы от туризма.

Abstract: This article explores the tasks and measures to be taken in the development of tourism in our country, as well as the role and place of tourism in increasing the potential of our economy.

Key words: tourism, hotels, share of GDP in tourism, tourists, tourism income.

Кириш

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган глобализация жараёнларининг тезлашиб бориши давлатлардан туризм тармоғини ривожлантириш орқали муҳим масалаларни ечиш имкониятини яратишни тақозо этмоқда. Шу жумладан, республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири туризм соҳасини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “... туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим. Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта тўртки беради. 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортдан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард АҚШ долларига етказиш лозим” –деб вазифа белгиланганини келтириб ўтиш мумкин¹.

Бундан ташқари ушбу соҳани жадал ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь Тошкент ш. <http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>.

тўғрисида”ги фармони ҳамда ПҚ-4095-сонли “Туризм тармоғини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу қарорда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳмонхоналар қуришнинг мақсадли параметрлари, истиқболли инвестиция лойиҳалари, замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиладиган маданият объектлари ва муассасалари белгилаб берилди.

Демак, бу соҳада амалга ошириладиган ишлар жуда кўп бўлиб, уларни ривожлантиришда барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини белгилаб беради. Ҳозирги кунда республикамиз туризм соҳасидаги харажатлари ЯИМ га нисбатан фоизда олганда 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 1% ни ташкил этган ҳолос, Қозоғистонда ушбу кўрсаткич 4,2%, Арманистонда 3,8%, Тожикистонда 2,9%, Россияда 2,7% ҳамда Қирғизистонда 1,8% ташкил этган². Мамлакат ичида туризм соҳасидаги харажатларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон 1,4% ташкил этган бўлса, Грузия-5,0%, Тожикистон-4,0%, Украина-3,3%, Озарбайжон-2,8%, Қирғизистон-2,7%, Россия-2,6%, Қозоғистон-2,2%, Арманистон-1,9% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич бўйича Филиппин-14,6%, Мексика-9,9% ҳамда Германия давлати-9,9% билан етакчилик қилмоқда³.

Юқоридаги кўрсаткичлар таҳлили асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, республикамизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш бўйича ишларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради. Умуман олганда республикамизни туризм соҳасида етакчи давлатлар қаторида бўлиши учун барча имкониятлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, бу соҳага катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб этиш орқали туризм соҳасидаги янги инновацион ғояларни кенг тарғиб этиш муҳимлигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Жаҳон тадқиқотларида туризм соҳасида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда ривожланган давлатлар илмий тадқиқотларида туризм соҳасини уларнинг иқтисодиётига, ижтимоий соҳасига, экология ва бошқа соҳаларга таъсири ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ушбу тадқиқотларнинг асосий мазмунида ижтимоий капиталнинг туризм йўналишида олиб борилаётган сиёсатга мос тушадими. Ушбу жумбоқни очиб беришда бир нечта олимлар АҚШ 3 та штати, Австралия ва Океания мамлакатларида 74 қизиқиш билдирган томонлар билан тадқиқот ўтказилган. Ушбу тадқиқот натижасига кўра улар ўзаро боғлиқ бўлиб ижтимоий капиталнинг ўсиши туризм соҳасини ривожланишига билвосита таъсир ўтказиши асосланган⁴. Айрим олимлар тадқиқотларида Мальдив оролларида дайвинг-туризмни ривожлантириш муҳимлигини асослаб берадилар. Уларнинг фикрича акулаларни кўпайтириш дайв-

² <https://knoema.ru/atlas/topics/Туризм/Туристские-государственные-расходы/ Государственные-расходы-доля-percent>

³ <https://knoema.ru/atlas/topics/Туризм/Туристские-расходы-резидентов-внутри-страны/Расходы-резидентов-внутри-страны-доля-percent>

⁴ Joelle Soulard, Whitney Knollenberg, B. Bynum Boley, Richard R. Perdue, Nancy Gard McGehee. Social capital and destination strategic planning //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.189-200.

туризмга 58 млн. АҚШ доллари фойда олиб келишини тадқиқ этишган⁵. Туризм соҳасини ривожлантиришда турли технологияларни жорий этиш туристларга қўлайликлар яратиш имконини бериши келтириб ўтилган⁶. Хитойлик олимлар томонидан Хитойда туризмнинг ривожланишида меҳмонхоналарни қуриш, уларда хизмат кўрсатиш ва қабул қилишда турли усулларни қўллашда янги инновацион ғоялардан фойдаланиш асослари таҳлил қилиб берилган⁷.

Кужел Ю. ўзининг дарслигида туризм соҳасини мамлакат ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришдаги ролини очиб берган. Бунда мамлакатнинг энг тез ривожланадиган соҳаси сифатида туризмга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини келтириб ўтади⁸.

Россиялик олимлар Н.Морозова ва М.Морозовнинг фикрига кўра замонавий туризм индустрияси янги компьютер технологияларини жорий этилиши билан улкан ўзгаришларга эга бўлди. Ҳар қандай ташкилотни туристик бизнес бозорида замонавий ахборотлар технологиясидан фойдаланилмасдан муваффақиятли фаолият кўрсатиши амалиётда мумкин эмас⁹.

А.Абдувоҳидовнинг фикрига кўра, мамлакатимизда туризм салоҳиятини дунёга намоён қилишда, халқаро туристик оқимларни барқарорлаштириш, уни мавсумийлик ҳусусиятларидан холи қилиш мақсадида интернет тармоғи орқали туристик салоҳиятимизни кўрсатиб берувчи веб саҳифаларни халқаро тажрибалар асосида ўзгартириб бориш лозим¹⁰.

Кўриб ўтилган мутахассисларнинг фикрига кўра, туризм соҳасини ривожлантириш мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаолиятини ривожланишига бевосита таъсири юқори эканлиги асослаб берилган. Ҳозирги кунда мамлакат туризм салоҳиятини ривожланган давлатлар фойдаланаётган инновацион ғоялар асосида ҳамда бизда мавжуд бўлган туристик салоҳиятдан фойдаланиш орқали дунёга намоён қилиш зарур ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Туризм соҳасини ривожланишини таҳлил қилиш натижасида республикамиз минтақаларида умумий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда, жумладан туризмни ривожлантиришда мамлакатимиз аҳолиси учун туристик ресурсларимиз тўғрисида маълумотлар етарли даражада эмаслиги кузатилмоқда. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. Айнан туризм соҳасини ривожлантириш орқали мамлакатда иш ўринларини яратиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни тарғиб қилиш, мамлакат иқтисодиётини кўтариш, ҳудудларда янги инфратузилмаларни қуриш, аҳоли

⁵ Johanna S. Zimmerhackel, Abbie A. Rogers, Mark G. Meekan, Khadeeja Ali, ... Marit E. Kragt. How shark conservation in the Maldives affects demand for dive tourism//International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.263-271.

⁶ Yumi Park Kim, Soyoungh Boo, Hailin Qu . Calculating tourists' customer equity and maximizing the hotel's ROI //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.408-421.

⁷ Barnabé Walheer, Linjia Zhang . Profit Luenberger and Malmquist-Luenberger indexes for multi-activity decision-making units: The case of the star-rated hotel industry in China //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.1-11.

⁸ Кужеля Ю. Л. Туризм и гостеприимство. Учебник:- М. : Издательство Юрайт, 2018. — 439 с.

⁹ Морозова Н., Морозов М., Информационное обеспечение туризма. Учебник. Москва, КноРус, 2016, 7 с.

¹⁰ Абдувоҳидов А.А. Ўзбекистон туризм индустриясини ривожлантиришда компьютер тизимларини такомиллаштириш истиқболлари, Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда хорижий тажрибани қўллаш республика илмий амалий анжумани мақолалар тўплами, 2014, 392-393 б.

даромадларини ошириш ҳамда энг муҳим соҳани ривожлантиришда инвестициялар ҳажмини ошириш имкониятлари юзага келади.

Таҳлил ва натижалар

Кейинги йилларда республикада туризм соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларни ижобий баҳолаш мумкин. Жумладан, сайёҳ сифатида ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга ўсиш тенденциясини сақлаб қолмоқда. Маълумот учун, 2017 йилда Ўзбекистонга қарийб 2 миллион 700 минг, 2018 йилда 5 миллион 300 мингдан ортиқ турист келган. Аммо бу кўрсаткич етарли эмас, 2025 йилга бориб Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллионга ошириш белгиланган. Жаҳон давлатларида ушбу кўрсаткич бўйича бир неча йиллардан бери Франция давлати етакчилик қилмоқда 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра ушбу мамлакатга 86,9 млн. дан ортиқ сайёҳлар ташриф буюрган.

1-жадвал

Жаҳон мамлакатларига ташриф буюрган сайёҳлар тўғрисида маълумот (млн. киши, 1 январь ҳолатига кўра)

№	Мамлакатлар	Йиллар				
		2014	2015	2016	2017	2018
1.	Франция	83,6	83,7	84,4	82,5	86,9
2.	Испания	60,6	64,9	68,2	75,3	81,8
3.	АҚШ	69,9	75,0	77,4	75,6	76,9
4.	Хитой	55,7	55,6	56,8	59,2	60,7
5.	Италия	47,7	48,5	50,7	52,3	58,3
6.	Б. Британия	31,1	32,6	34,4	35,8	37,7
7.	Германия	31,5	32,9	34,9	35,5	37,5
8.	Мексика	24,2	29,3	32,0	35,1	39,3
9.	Таиланд	26,5	24,8	29,9	32,5	35,4
10.	Туркия	37,7	39,8	39,4	30,3	37,6
11.	Россия	30,7	32,4	33,7	24,5	25,6
12.	Беларусь	6,2	5,3	4,3	9,4	11,2
13.	Грузия	5,3	5,5	5,9	6,3	7,2
14.	Қозоғистон	6,8	6,3	6,4	6,5	6,9
15.	Қирғизистон	3,1	2,8	3,0	2,9	3,2

Манба: <https://knoema.ru/atlas/topics/Туризм/Ключевые-показатели-туризма/Число-прибытий>
маълумотлари асосида тайёрланган


Жадвалга эътибор берадиган бўлсак, ривожланган давлатларда туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратиш орқали йилдан-йилга ташриф буюрувчилар сони ортиб борган. Шунинг билан бирга МДХ давлатларида ҳам кейинги йилларда ўсиш тенденцияси сақланиб қолган. Айниқса Грузия давлатининг туризм соҳасидаги олиб бораётган ислоҳоти кейинги йилларда сайёҳлар сонини ошишига олиб келган. Грузия давлати асосий эътиборини тоғ туризмига эътибори ушбу кўрсаткичнинг ошишига яъни экотуризм соҳасини ривожлантириш орқали эришган. Грузия давлатининг ЯИМ туризмнинг улуши 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 31% ни ташкил этган бўлиб, 173 давлат ичида 16 ўринни эгаллаган. Қуйидаги жадвалда турли давлатларда туризмнинг ЯИМ даги улуши келтирилган. Республикамиз ЯИМ туризм улуши 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 2,7 фоизни ташкил этган холос.

**Жаҳон мамлакатлари ЯИМда туризм улуши тўғрисидаги маълумот
(фоизда, 1 январь ҳолатига кўра)**

№	Мамлакатлар	Йиллар				
		2014	2015	2016	2017	2018
1.	Мальдив ороллари	80,4	84,5	74,5	74,8	76,6
2.	Грузия	20,4	20,9	25,2	27,1	31,0
3.	Мексика	14,8	14,9	15,7	15,9	16,0
4.	Арманистон	12,2	12,8	14,0	14,6	15,7
5.	Испания	13,8	14,1	14,1	14,5	14,3
6.	Озарбайжон	8,2	8,6	10,2	13,2	14,6
7.	Малайзия	13,0	14,2	13,4	13,8	13,4
8.	Туркия	12,2	12,2	12,0	11,1	11,6
9.	Хитой	9,6	10,0	10,5	11,0	11,0
10.	Германия	10,4	10,6	10,7	10,7	10,7
11.	Тожикистон	8,9	9,3	8,6	8,6	8,3
12.	Қозоғистон	5,9	4,9	5,6	6,0	6,0
13.	Украина	5,1	5,5	5,4	5,4	5,7
14.	Россия	4,8	4,9	4,7	4,9	4,8
15.	Ўзбекистон	2,8	2,7	2,8	3,0	2,7

Манба: <https://knoema.ru/atlas/topics/Туризм/Общий-вклад-туризма-в-ВВП/Общий-вклад-в-ВВП-доля-percent> маълумотлари асосида тайёрланган.

Бундан ташқари давлатнинг туризм соҳасидаги харажатлари тўғрисида таҳлил қиладиган бўлсак 173 давлат орасида республикамиз 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 1,0 % ни ташкил этган ҳолда 145 ўринни эгаллаган. МДҲ давлатларини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу кўрсаткич Қозоғистонда-4,2%, Арманистон-3,8%, Грузия-3,4%, Озарбайжон-2,9%, Тожикистон-2,9%, Россия-2,7%, Қирғизистон-1,8% ни ташкил этган.



**1-расм. Туризм соҳасига давлат харажатлари, ЯИМга нисбатан фоизда,
1 январь ҳолатига**

Манба: <https://knoema.ru/atlas/topics/Туризм/Туристские-государственные-расходы/Государственные-расходы-доля-percent> маълумотлари асосида тайёрланган.

Республикада туризм соҳасини экспортдаги улуши 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 11,4% ни, туристик фаолиятни амалга оширган фирмалар сони 449 тани ташкил этган. Республикада сайёҳ сифатида келувчиларнинг асосий қисмини 2017 йилда қариндошларини йўқлаб келганлар бўлиб, улар 2272,3 минг. кишини ташкил этган. Сайёҳ сифатида 203,7 минг киши келган, МДҲ давлатлари орасида Қозоғистондан 1783,8 минг киши ташриф буюрган. Республикада ташриф буюрувчилар сонининг ортиб боришини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда ПҚ-4095-сонли “Туризм тармоғини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳмонхоналар қуришнинг мақсадли параметрлари ишлаб чиқилди. Унга кўра 2021 йилга бориб, меҳмонхоналар сони 2394 тани ташкил этиши режалаштирилди. 2018 йилда республикада жами 886 та меҳмонхона бўлиб, Бухора вилоятида-160 та бўлса, энг кам меҳмонхона Самарқанд вилоятида 13 тани ташкил этган холос.



2-расм. Республикада қуриладиган меҳмонхоналар сони

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сонли “Туризм тармоғини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори иловасидан.

2021 йилда бориб, вилоятлар кесимида энг кўп меҳмонхона Бухоро (369 та) ва Самарқанд (236 та) вилоятларида қуриш режалаштирилди.

Аммо амалга оширилаётган ишлар туризм соҳасини ривожлантириш учун муҳим омиллардан саналади. Бу соҳани ривожлантириш учун юқоридаги таҳлиллар асосида туризм соҳасини ривожлантиришда янги инновацион ғояларни татбиқ этиш орқали амалга ошириш муҳим саналади. Ҳозирги вақтда электрон тармоқларга етказиб берилаётган туристик ахборотнинг кўп қисми статистик ахборотдир. Шу сабабдан туризм соҳасини ривожлантиришда ривожланган давлатлар тажрибаларини кенг қўллаш орқали янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарур. Республикада фаолият олиб бораётган туризм фирма ва ташкилотлари томонидан замонавий ахборот технологияларидан самарали тарзда фойдаланилган ҳолда диққатга сазовор жойларни интернет рекламалари орқали намоён этилиши мамлакатимизга туристлар оқимининг ошишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар асосида республикада туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш муҳим деб ҳисоблаймиз:

- туризмда мавсумий даврни узайтириш, кўрсатиладиган хизмат турларини кўпайтириш ва туризм инфратузилмасини яхшилаш;

- меҳмонхоналарни кўпайтириш, шу билан бирга, бу йўналишда хусусий жойлаштириш объектлари ва меҳмон уйлари ташкил этиш;

- сайёҳлар ташриф буюрадиган масканлар ва автомагистрал йўллар бўйида санитария-гигиена шохобчаларини кўпайтириш сувенирлар ишлаб чиқариш ва уларни махсус киоскларда сотиш, аэропортларда фаолият юритадиган «Дюти фри», «Такс фри» тизимидаги савдо шохобчаларини туристик шаҳарларда ҳам очиш, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда автомобиль ижараси марказлари ва Wi-Fi зоналар ташкил этиш;

- “Сайёҳ-турфирма”, “Турфирма-давлат” ҳамда “Сайёҳ-давлат” концепцияларини ягона қонун асосида ишлаш тамойилларини такомиллаштириш зарур;

- меҳмонхоналар алоқа тизимини жорий этиш зарур (Испанияда бундай меҳмонхона алоқа тизими «Paradores», деб аталиб унинг таркибига 83 та меҳмонхона кирди);

- Германия давлатининг 4 та йирик концепцияси асосида республикамизда «маданият туризми», «агротуризм», «хабарлар туризми», «ишбилармонлик туризми» концепцияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда мавжуд имкониятларимиздан кенг фойдаланиш ва хориж тажрибаларини амалда қўллаш, мамлакат фуқароларининг туристик фаоллигини орттиради ҳамда хорижий туристлар оқими кўпайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь Тошкент ш. <http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

2. <https://knoema.ru/atlas/topics/Туризм/Туристские-государственные-расходы/ Государственные-расходы-доля-percent>

3. <https://knoema.ru/atlas/topics/Туризм/Туристские-расходы-резидентов-внутри-страны/Расходы-резидентов-внутри-страны-доля-percent>

4. Joelle Soulard, Whitney Knollenberg, B. Bynum Boley, Richard R. Perdue, Nancy Gard McGehee. Social capital and destination strategic planning //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.189-200.

5. Johanna S. Zimmerhackel, Abbie A. Rogers, Mark G. Meekan, Khadeeja Ali, ... Marit E. Kragt. How shark conservation in the Maldives affects demand for dive tourism//International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.263-271.

6. Yumi Park Kim, Soyoung Boo, Hailin Qu . Calculating tourists' customer equity and maximizing the hotel's ROI //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.408-421.

7. Barnabé Walheer, Linjia Zhang . Profit Luenberger and Malmquist-Luenberger indexes for multi-activity decision-making units: The case of the star-rated hotel industry in China //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.1-11.

8. Кужеля Ю. Л. Туризм и гостеприимство. Учебник:- М. : Издательство Юрайт, 2018. — 439 с.

9. Морозова Н., Морозов М., Информационное обеспечение туризма. Учебник. Москва, КноРус, 2016, 7 с.

10. Абдувохидов А.А. Ўзбекистон туризм индустриясини ривожлантиришда компьютер тизимларини такомиллаштириш истиқболлари, Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда хорижий тажрибани қўллаш республика илмий амалий анжумани мақолалар тўплами, 2014, 392-393 б.